

**ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОН ХУДУДИДАГИ ПОЛИМЕТАЛЛИ КОНЛАРНИНГ
МАЪДАНЛАШУВ БОСҚИЧЛАРИ ВА ҲОСИЛ БЎЛИШ ШАРОИТИ****Маҳкамова ЛолаҲакимжановна***ЎзМУ, геология ва геоинформацион тизимлар факультети магистранти***Умаров Акрамиддин Зайниддинович***ЎзМУ доценти**uakrom@mail.ru*

Аннотация: *Кўп металл Хондиза кони Сурхандарё вилоятига қарашли тоғли ўлкада жойлашган. Хондиза маъданли майдонда шу ном билан олтин-кумушли Чинорсой, қўрғошин-рухли Новосой, Черново Гуруд, Янгилик, каби конлар, ҳамда шунинг билан бирга Майдонсой каби истиқболли участкалар очилган. Хондиза кони маъданларининг таркиби 100 дан ортиқ минераллардан ташкил топган. Етакчи минераллардан – пирит, сфалерит, галенит, халькопирит, блеклой руда (теннантит, фрейбергит), камдае кам ҳолда – марказит, пирротин, арсенопирит, магнетит, соф золото, кумуш минералларидан – аргентит, акантит, полибазит, пираргиритлар, учрайди.*

Калит сўзлар: *маъдан, блеклой руда (теннантит, фрейбергит), минерал, пирротин, арсенопирит, магнетит, асл, полиметалл.*

**MINING STAGES AND CONDITIONS OF FORMATION OF POLYMETAL
DEPOSITS ON THE TERRITORY OF SOUTH UZBEKISTAN****Makkamova Lola Hakimchanovna***Master of Science Faculty of Geology and Geoinformation Systems
of the National University of Uzbekistan***Umarov Akramiddin Zainiddinovich***associate professor of the department*

Abstract: *The polymetallic deposit is located in the mining area of the Surkhandaren region. The Khandizinskoye ore field includes the polymetallic deposit of the same name, the gold-polymetallic occurrence of the Chinarsai site and a number of ore occurrences of lead and zinc - Novasai, Chornova, Gurud, Yangaklyk, etc. The main ore deposits are pyrite, sphalerite, galena, chalcopyedicheskies redrite (tennitcasanite) arsenopyrite, magnetite, native gold, electrum, kustelite, a complex of silver minerals - argentite, acanthite, polybasite, pyrargyrite.*

Key words: *ore, fahlre, (tennantite, freygerbit), mineral, pyrrhotite, arsenopyrite, magnet, polymetal, noble.*

Фойдали қазилмаларнинг саноат заҳиралари ва ресурслари кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг имкониятларини белгилаб беради.

Ўзбекистон Республикасида халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенг қўлланиладиган маъдан минераллари, шу жумладан металлнинг ҳар хил турларининг катта мажмуаси мавжуд. Асл, рангли, ноёб, радиоактив ва қора металлнинг кўплаб конлари ва истиқболли майдонлари ўрганилиб келинмоқда ҳамда очилмоқда. Бу соҳада Республикамиз жуда катта қудратга ва салоҳиятга эга макон ҳисобланади. Шулар жумласига кирувчи кўп металл конлар Республикамиз ҳудудида кенг тарқалган. Жанубий Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Хондиза кўп металл (полиметалл) кони бугунги кунда ўзининг бир қатор рангли металл қазиб олиш имкониятига эга йирик конлар қаторига киради.

Хондиза маъданли майдони Ҳисор тоғ тизмасининг жанубий-ғарбий ён-бағрида жойлашган бўлиб, геологик жиҳатдан саноатбоп ҳудудлардан бири ҳисобланади, шунинг билан бирга бир қатор фойдали қазилмаларга истиқболли минтақа сифатида баҳоланган. Ўтказилган геологик тадқиқот ишларнинг салмоқли қисми минтақанинг полиметаллга ва олтинга бўлган истиқболлини баҳолашга қаратилган. Ҳозирги кунда ушбу тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

Хондиза конининг дастлабки кон деб тан олинishi карбонат жинслар таркибида кўрғошин, рўх маъданли нишонларини топилиши билан боғлиқ. 1961 йилда Хондиза геология қидирув партияси томонидан бурғу қудуқдан вулқон-чўкинди жинслари орасида полиметалли маъдан борлиги аниқланган. 1963 йилда Панкратьев, Шаякубовлар бу маъданлашган майдонни колчедон полиметалл турдаги кон деб маълумот бердилар. Хондиза конининг топилишида асосий ролни маъданлашишда аралашма эритмаларнинг турли компонентлари ўйнайди. Чунки колчедон полиметалл босқич конда карбонат жинслар учун яқунловчи босқич ҳисобланади.

Полиметалл минераллар. Сфалерит, блеклая руда (айнама маъдан тетраэдрит, теннантит, фрейбергит), халькопирит ва галенитлар билан бирга намоён бўлган. Улар бир-бирлари билан узвий равишда ўсимталарда учрайди. Улар кечки олтин-полиметалл парагенетик ассоциацияни ҳосил қилади. Ушбу маъданли парагенетик ассоциацияда полиметалл минераллар массив, йирик уяли, линзасимон, томирчаларини ҳосил қилади.

**Чинорсой конидаги олтин-полиметалл маъданининг минералогик таркиби
(Е.Н.Попов,Х.А.Аҳмедов, Г.Р.Ҳабибуллаева 2010й)**

т.р.	Минераллар номи	Микдори (%)	Доналар ўлчами, мм.ларда
1.	Олтин	якка белги	0,001-0,4
2.	Пирит	4,32	0,02- 1,0
3.	Сфалерит	0,97	0,01-1,0
4.	Галенит	0,46	0,001-0,5
5.	Хира маъдан (блеклая руда)	0,15	0,001-0,п
6.	Халькопирит	якка белги	0,001-
7.	Темирни, марганецни, ярозитни бошқа оксидларлари ва гидрооксидлари	036	юпка кристаллик

Маъдан ва маъдан ҳосил қилувчи жинсларнинг таркибини ўрганиш учун асосан минералогик, ва кимёвий (атом-абсорбцион), спектрал ва электрон зондли тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики Хондиза конидаги минералларнинг кристалланиш температураси 320-2400 С да юзага келган. Бу коннинг ўртача ҳароратда ҳосил бўлганлигидан далолат беради. Температура кварцнинг декрепитация усулида аниқланган. Кондаги маъданлашиш иккита, гидротермал-чўкинди ва регенерация жараёнида вужудга келган. Хондиза конидаги саноатбоп маъданлар ернинг чуқур қисмида 450-500м оралиғида ҳосил бўлган. Колчедон маъданли зоналар бир неча этапда қайта кристалланиш туфайли юзага келган.

Колчедан-полиметалл маъданларида сульфидланиш даражаси ўртача 6% ташкил этади. Маъдан атрофи ва олтин қамровчи жинслар, гранит порфир, риолит порфирлар, кварцли порфирлар, алевролит ва слюдали сланецли бўлақлардан таркиб топган. Уларнинг барчаси гидротермал-кварцлашиш, серицитлашиш, карбонатлашиш, хлоритлашиш кўринишлардаги ўзгаришларга учраган.

Асосий маъдан ҳосил қилувчи минерал пирит, сфалерит, галенит, блеклая руда (айнама маъдан тетраэдрит, теннантит, фрейбергит) ва баъзан халькопиритлардир.



Маъдан минераллари нотекис тарқалган. Улар чапланган, массив, доғсимон, уячали, ҳол-ҳол кўринишлардаги текстурани ҳосил қилади.

Маъдан атрофи жинсларининг асосий минераллари кварц, дала шпати, ортоклаз, плагиоклаз (нордон ва ўрта таркибли), биотит ва уларни ўзгарган ма-ҳсуллари серицит, хлорит, карбонатлар ва кварц порфирсимон ажралмалар кўринишида ҳосил қилади. Хондиза конда аксессуар минераллардан циркон, рутил, апатит, магнетит учрайди.

Маъданнинг таркибини 95% ни сфалерит, галенит, халькопирит, пирит, ва блеклая руда (айнама маъдан тетраэдрит, теннантит, фрейбергит) ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки Жануби-ғарбий Ҳисор тоғлари зонаси ўзига хос ҳудуд бўлиб, унда колчеданли-полиметалли, полиметалли ва полиметалл-олтин-кумушли маъданлашув кенг ривожланган.

Майдонда жойлашган кўплаб конлар, маъдан нишонлари палеовулканик структуралар билан боғлиқ. Маъдан уюшмалари ҳосил бўлиш шароити формацияларо зоналар билан боғлиқ. Асосий маъдан қамровчи тоғ жинслари нордон туфлар ва карбонатли жинслардан ташкил топган.

Маъданлашув гидротермал ўзгарган вулканоген жинсларда тарқалган. Маъдан жинслари серицитли, хлоритли ва серицит-хлоритли метасоматитларда жойлашган. Ўз навбатида метасоматитлар конда муҳим қидирув белги ҳисобланади.

Хондиза маъданли майдонда полиметалли маъданлашувдан ташқари саноат аҳамиятига эга миқдордаги олтин ва кумуш элементларининг учраши, мазкур ҳудуднинг катта истиқболга эга эканлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Геология и полезные ископаемые Республики Узбекистан. Тошкент 1998.
2. Панкратьев.П.В, Михайлова.Ю.В.«Колчеданно полиметаллическое оруденение Южного Узбекистана». «ФАН», Тошкент -1971.
3. Рудные месторождение Узбекистана. Тошкент 2001.